

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хаитов Қахрамон Орзиқулович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Ўзбекистонда инвестицияларни жалб этиши, муқобил молиялаштириши муассасалари ва воситаларни жорий этишига эътибор қаратилмоқда. Республикада «..илгор халқаро тажриба ва технологияларни жалб қилиши ҳисобига банк хизматлари кўламини кенгайтириши ва сифатини ошириши» вазифаси белгиланган. Ушбу вазифа ижросини таъминлашда муқобил молия муассасаларини ташкил этиши орқали чет эллик инвесторлар ҳамда мамлакат аҳолисининг молиявий муносабатларга жалб этилмаган қисми маблағларини иқтисодиётга сафарбар этиши, ислом молияси муассасаларини мамлакат молия тизимига интеграция қилиши бўйича таклиф ва тавсияларни асослаш, ислом тамойилларига мувофиқ ишловчи молиявий битимларни амалда қўллаш ва анъанавий банкларда «ислом дарча»ларини ташкил этиши энг долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, исломий молия фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни кўзда тутаяди. Яъни, у шерикчиликка асосланади. Улар мижоз талаби билан объектни қуриши, асбоб-ускуналар, товар, хом ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Шериклик асосидаги молиялаш тизими эса дахлсизлик, шартнома мажбуриятларига риоя қилиш, таваккалчиликлар, фойда ва даромадларни адолатли тақсимлаш, иқтисодий фаровонлик ва ижтимоий адолатнинг мувофиқлик тамойилларига асосланади. Ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, ижтимоий адолат, қонун доирасида ҳаракат қилиш, маблағларни меъёрида сарфлаш ва монополияга қарши қурашиш мазкур тизимнинг фундаментал асоси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Исломий молия тизимига бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани эътиборга молик. Дунёвий давлат бўлса-да, аксарият фуқаролари насроний бўлган Буюк Британиянинг 20 дан ортиқ банкларида мижозларга ислом молияси маҳсулотлари ва хизматлари таклиф қилинмоқда.

Ислом банкларида омонатнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улардан фақатгина талаб қилингунга қадар сақланадиган омонат тури қайтарилиши кафолатланади, чунки мижознинг омонатидан банк фойдаланиши мумкин эмас. Бошқа турдаги омонатлар эса анъанавий омонат-депозит эмас, балки сармоя ҳисобланади ва шунга кўра, ислом банкларига бундай сармоя киритган мижозлар банк фойда кўрса фойдадан ўз улушларини (келишилган миқдорда) оладилар, зарар кўрса улар ҳам зарар кўрадилар, яъни киритилган маблағнинг қайтиши кафолатланмаган бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда банклар томонидан ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштиришни йўлга қўйиш учун ислом молияси ва банк фаолиятига оид махсус қонун ишлаб чиқилиши ҳамда бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан: Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Гаров тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга халқаро тажриба ва Ислом молияси хизматлари кенгаши (IFSB) стандартлари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек зарур қонуности ҳужжатларни ислом молияси бўйича зарур билим ва тажрибага эга бўлган маҳаллий ва халқаро мутахассислар иштирокида ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бироқ, ислом молиясига тадбиркорлар ва аҳоли томонидан кучайиб

бораётган талабни ҳамда тегишли қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни узоқ давом этишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ислом молияси ва банк фаолияти бўйича махсус фармонини чиқариш ва шу фармон (ва/ёки қарор) асосида иш бошлаш мумкин. Албатта бу вақтинчалик ечим бўлади, лекин шу билан бирга ушбу ечим 9 та маҳаллий тижорат банки ва Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси ўртасида ушбу банкларда ислом дарчалари очилиши бўйича имзоланган шартномаларни амалга ошириш имконини беради. Ислום дарчаларининг очилиши эса нафақат ислом молия маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга, балки соҳа мутахассисларни тайёрлашга ҳам ёрдам беради, чунки янги молия маҳсулотларини амалиётда қўллаш ушбу восита ва маҳсулотларни ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ёрдам беради. Ислום молия восита ва маҳсулотларининг татбиқ қилиниши инвестиция муҳитини ҳам яхшилашга, молия тармоғини янги маҳсулотлар ва иштирокчилар ҳисобига кенгайтиришга ва янги сармоялар жалб қилишга ёрдам беради.

Ислום банклари кўрсатадиган хизматларда, ислом тамойиллари билан бир қаторда бошқа экологик омилларни ва бугунги глобал муаммоларни ҳам ҳисобга олиши керак. Шундай қилиб, ислом банкларининг молиявий хизматлари иқтисодий тармоқларда анъанавий банкларга нисбатан ҳар бир муқобил маҳсулоти билан солиштирганда самаралироқдир.

Ислום давлатларида ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ислом банкларининг сони ортиб бормоқда. Соф исломий банклар билан бир қаторда, анъанавий банклар ҳам исломий банкларнинг эҳтиёжини қондириш учун бу жараёнда иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислом молияси восита ва маҳсулотларини ислом банк-молия тизими бўйича тегишли қонунлар ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини кутмасдан инвестиция компаниялари ташкил қилиб ислом молиясининг асосий восита/маҳсулотлари бўлган молиявий ижара, муробаҳа (муддатли тўлов асосида олди-сотди амалиёти) ҳамда мушорақа (бизнес

хамкорлик/шерикчилик)ни қўллаган ҳолда ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган фаолиятни бошлаш мумкин. Бундай фаолиятни бошлашга ҳукукий асос сифатида “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583 рақамли Президент фармони хизмат қилиши мумкин.

Бу йўл билан бирданига учта муҳим натижага эришиш мумкин, биринчидан ўз фаолиятларини ислом молияси тамойилларига мувофиқ тарзда олиб боришни истайдиган жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни бошлаш, иккинчидан молия бозорининг бошқа иштирокчиларига бу борадаги имкониятларни кўрсатиб бериш ва шу орқали молиявий маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайишига ва молия бозорида рақобатнинг кучайишига туртки бериш, учинчидан соҳа мутахассисларини амалий жиҳатдан тайёрлаш, чунки бугунги кунда Ўзбекистонда бу йўналишда амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар деярли йўқ (чунки шу пайтгача бундай мутахассислар тайёрланмаган).

Мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларини жорий қилиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Хорижий ислом молия муассасалари, халқаро ислом молия ташкилотлари ва ИХТга аъзо давлатлардан инвестициялар ва маҳаллий тижорий/инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молия маблағлари (линиялар) жалб қилиш.

2. Мамлакатимизда аҳоли маблағларини иқтисодиётга кўпроқ жалб қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ислом банкларини очиш лозим.

3. Мавжуд қонунчилик шароитида тижорат банклари нобанк кредит ташкилотларини таъсис этиб, улар орқали исломий банк хизматларини кўрсатишни бошлашлари лозим. Ушбу нобанк кредит ташкилотлари банкларда “ислом дарчаси” вазифасини бажаради.

4. Мамлакатимизда ислом банк маҳсулотларини жорий қилиб, унинг

ҳажмини кескин ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунига ўзгартириш киритиб, банкларга исломий банк хизматлари кўрсатишга рухсат бериш лозим.

5. Исломий банк хизматлари кўрсатадиган нобанк кредит ташкилотларига исломий асосда омонатларни жалб қилишга рухсат бериш лозим.

6. Янги йўналишда мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш орқали Ўзбекистон манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилиши мумкин бўлган мутахассислар “экспортини” йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Байдаулет, Е.А. (2019) Исломий молия асослари. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 9-бет.

2. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. (2018) Исламские финансовые институты в условиях глобализации. Баку-2018. Издательство филиала МГУ им М.В.Ломоносова в г.Баку. Стр. 58, 112

3. Додиев Ф.Ў., Бобоёров А.Й. (2022) Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболлари. “Молия ва банк иши” журнали. № 1 (2022) БМА., - Б. 29-33.

4. Низомиддинов М. (2021) Ислом дарчалари: анъанавий банкинг учун янги имконият. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-darchalari-ananaviy-banking-uchun-yangi-imkoniyat/>.

5. Kholmammatov, F., Khannaev, S., & Ruzimorotov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through " Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).

6. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.

7. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY www.pedagoglar.org

INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

8. Kholmamatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>

9. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>

10. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>

11. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

12. <https://islommoliyasi.uz/uz/6612/>